# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 3 октябрь, № 208 (7710) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# КЕЛГУСИ 3 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎНТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШ БЕЛГИЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиш, ҳудуддаги бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 2 октябрь куни Нукус шаҳрига ташриф буюрди.**

Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари саккизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Йиғилишни Жўқорғи Кенгес Раисининг ўринбосари Атабек Давлетов очди. Сессиянинг котибияти сайланиб, кун тартиби тасдиқланди, Оқсоқоллар кенгаши ва Ҳисоб-саноқ комиссияси таркиби тузилди.

Оқсоқоллар кенгашининг қарорига мувофиқ, Жўқорғи Кенгес Раиси лавозимига Камалов Мурат Қаллибекович номзоди тавсия этилди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида коронавирус пандемияси бутун дунёда бўлгани каби юртимизга ҳам йўқотишлар олиб келгани, лекин ҳаёт давом этиши, шу шароитга муносиб бўлиб, тўғри йўл топиш зарурлигини таъкидлади.

**— Бугун қорақалпоқ элини, тупроғини, имкониятларини яхши билган, халқ таниган, турли масалаларни ҳал қила оладиган етакчини сайлаб олишимиз керак. Бердақ бобомизнинг доно сўзлари билан айтганда:**

**Халқнинг ғамини ўйлаган,**
**Юрт ғамхўри керак менга, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Президент ҳозирги мураккаб пайтда раҳбар бўлиш осон эмаслигини, Қорақалпоғистонни ривожлантириш бўйича бошланган ишлар 2-3 карра кўпайтириб давом эттирилишини таъкидлади.

**— Мурат Камаловни кўп йиллардан бери танийман, — деди Президент. — У аввало ҳалол одам, ватанпарвар одам. Қаерда ишлаган бўлмасин, қорақалпоқ элининг дарди билан яшаганига гувоҳман. Энг асосийси шу. Бошқаси тажриба билан келади. У отаси Қаллибек Камалов, марҳум Муса Ерниязов ишларини давом эттириб, халқни рози қилади, деб ишонаман.**

Президент Шавкат Мирзиёев Мурат Камаловнинг инсоний фазилатлари, фидойилиги ва раҳбарлик қобилиятини ҳисобга олиб, унинг номзодига ўз розилигини билдирди.

Жўқорғи Кенгес депутатлари, жамоатчилик вакиллари сўзга чиқиб, номзодни қўллаб-қувватлади. Яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси лавозимига Мурат Камалов сайланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ, Жўқорғи Кенгес Раиси Қорақалпоғистон Республикаси раҳбари ва энг юқори лавозимли шахсидир. Жўқорғи Кенгес Раиси айни орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги билан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан Жўқорғи Кенгеснинг ваколати муддатига сайланади.

Сессияда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Охирги тўрт йилда ўнлаб йирик тўқимачилик, фармацевтика, электротехника ва бошқа замонавий саноат корхоналари қурилиши ҳисобига Қорақалпоғистонда ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробар ўсган. Янги сув тармоқлари қурилиши натижасида аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 40 фоиздан 67 фоизга етди. 241 та мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт объектлари янгидан қурилди, капитал таъмирланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Мурат Камаловни Жўқорғи Кенгес Раислигига сайлангани билан табриклаб, ўта масъулиятли вазифада муваффақият тилади.

**— Янги раҳбар фаолиятининг энг муҳим йўналиши "халқнинг дардини эшитиш ва масалаларини ҳал этиш" бўлиши керак. Бунинг учун тинимсиз изланиш, меҳнат қилиш, халқ билан маслаҳатлашиб ишлаш зарур. Қорақалпоғистонда элни севган, билимли, фидойи ёшлар кўп. Уларни бирлаштириб, натижа қилиш, эл-юртга манфаат олиб келиш керак, — деди давлатимиз раҳбари.**

Қорақалпоғистонда барча соҳани жадал ривожлантириш бўйича келгуси 3 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани маълум қилинди. Унга кўра, ҳар бир туманда 2 тадан фаолият тури ўзига хос "ўсиш нуқта"си этиб белгиланган.

Президент барча 16 та туманни янада равнақ топтириш мақсадида мазкур "ўсиш нуқталари" бўйича тадбиркорлик субъектлари 3 йил муддатга ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик корхоналарнинг айланмасидан олинадиган солиқ, якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий миқдордаги даромад солиғидан озод этилишини таъкидлади.

Бундан ташқари, тараққиёт даражаси паст бўлган Тахтакўпир, Бўзотов ва Шуманай туманларида янги ташкил этиладиган саноат корхоналарига ҳам 3 йил муддатга солиқ ва божхона имтиёзлари берилади.

Ҳар бир туман ва шаҳарни жадал ривожлантиришга кучли туртки бериш, муаммоларни тезкор ҳал этиш учун уларга вазирлар ва банклар бириктирилди.

Йиғилишда келгуси 3 йилга мўлжалланган ўнта устувор йўналиш белгиланди.

Биринчиси — туманлар ва маҳаллаларни жадал ривожлантириш, иккинчиси — аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўлса, учинчиси доирасида инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Орол муаммосининг салбий таъсирини юмшатиш саъй-ҳаракатлари тўртинчи устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Бешинчиси этиб хизмат кўрсатиш соҳаси салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, олтинчиси ўларoқ қишлоқ хўжалигини ривожлантириш вазифаси қўйилди. Еттинчидан, аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида ишлар ташкил қилинса, саккизинчидан ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга эътибор қаратилади.

Тўққизинчи устувор йўналиш этиб ёшлар ва аёлларни қўллаб-қувватлаш кўрсатиб ўтилган бўлса, ўнинчиси доирасида жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари юзасидан кўрсатмалар берилди.

Президент мамлакатимиз йигит-қизларини мазкур ҳудуд ҳаёти билан таништириш мақсадида келгуси йили Қорақалпоғистонда Ёшлар фестивали ташкил этиш таклифини билдирди.

Давлатимиз раҳбари Нукус шаҳрида барпо этилган опера ва бахшичилик мактаб-интернати билан танишди.

Президентимиз ташаббуси билан барча соҳада бўлгани каби бахшичилик санъати ривожига ҳам катта эътибор қаратиляпти. Юртимизда ҳар икки йилда бир Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш йўлга қўйилди, Термиз шаҳрида ўтган йили бахшичилик мактаби фаолият бошлади, Республика бахшичилик санъати маркази барпо этилмоқда.

Ушбу марказ ҳузурида бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси ҳам ташкил этилади. Бу каби хайрли ишлар аждодларимиз асрлар давомида эъзозлаб келган ноёб санъатни дунёга кенг тараннум этиш, ёшларимизнинг унга қизиқишини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Бахши-жировчилик қорақалпоқ халқининг қадимий миллий санъат турларидан ҳисобланади. Ушбу халқ фольклори бахши-жировлар томонидан куйланиб, "Устоз — шогирд" анъанаси орқали бизгача етиб келган. Бахшичиликни асраб-авайлаш, қадимий достонларни ёшларимизга сингдириш ва уларни миллий анъаналар руҳида тарбиялаш, бахшичилик соҳасида дунёга таниқли санъаткорларни етиштириш мақсадида ўтган йили Нукус шаҳрида опера ва бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернат қурилиши бошланган эди.

Жорий йилда битказилган мактаб-интернат операга ҳам ихтисослаштирилди. Чунки Қорақалпоғистонда опера жанрида ўзига хос мактаб яратилган, Муяссар Раззоқова, Кенесбай Сержанов, Ойгул Нодирова, Женисбек Пиязов сингари элга танiқли опера хонандалари юртимиз санъатини дунёга ёйишга катта ҳисса қўшиб келмоқда.

150 ўринли таълим масканида 50 ўринли ётоқхона ва ошхона барпо этилган, синфхоналар ўқув қуроллари ва чолғулар билан жиҳозланган.

Келаси ўқув йилида мактабнинг 5, 6 ва 7-синфларига, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб эса 5-синфига опера йўналишига 10, бахшичилик йўналишига 20 нафардан ўқувчи танлов асосида қабул қилинади.

Давлатимиз раҳбари мактаб-интернатнинг 150 ўринли замонавий концерт зали ва синфхоналарини кўздан кечирди. Қорақалпоқ ёшлари миллий ва замонавий опералардан намуналар ижро этди.

**— Бундай мактабларни ташкил этишимиздан асосий мақсад — тарихимизни, маданиятимизни чуқур ўрганиш, ўзлигимизни англаш. Бахшичилик — қорақалпоқ элининг улуғ анъанаси, уни ривожлантириш учун ҳамма шароитларни яратамиз, — деди давлатимиз раҳбари.**

Соҳа вакиллари ва ёшлар билан мулоқотда ҳар бир туманда ушбу мактаб-интернатнинг бўлимларини ташкил этиш, шу орқали чекка ҳудудлардаги истеъдодли ёшларни излаб топиб уларни ўқитиш, мактаб негизида консерватория филиалини очиш ва етук бахши-опера хонандаларини тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Танишув чоғида санъат мактабининг йўналишларини кенгайтириш кераклиги алоҳида қайд этилди. Масалан, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, чет элдан профессор-ўқитувчилар жалб этиш, улар иштирокида маҳорат дарсларини йўлга қўйиш ўқувчиларни мамлакат ва халқаро миқёсдаги танловларга тайёрлашда муҳим ўрин тутади.

Шавкат Мирзиёев мактаб-интернатда ўқувчиларга асосий йўналишлардан ташқари миллий ва Европа чолғуларидан дарс бериш, санъатни кенг тарғиб этиш орқали аҳолининг эстетик савиясини юксалтириш юзасидан тавсиялар берди.

Президентимиз Нукус шаҳридаги "Қорақалпоқ балиқ саноат" масъулияти чекланган жамият фаолияти билан ҳам танишди.

Мамлакатимизда балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий ва инновацион услубларини жорий этиш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларнинг ижросини сифатли ва пухта таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 29 августдаги "Балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал вазифасини ўтайди.

Айниқса, балиқчилик хўжаликларига бириктирилган сув ҳавзаларидан илмий ёндашув асосида самарали фойдаланиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Қорақалпоқ балиқ саноат" жамияти томонидан "Интенсив тарзда балиқ етиштириш ва уни қайта ишлаш" лойиҳаси доирасидаги корхона 1,2 гектар ер майдонида ташкил этилган. Унинг қуввати йилига 200 тонна балиқ, 5 миллион дона балиқ личинкалари етиштириш, 5 минг тонна озуқа ем ишлаб чиқариш ва минг тонналик совиткичли камерада маҳсулот сақлаш имконига эга. У шу йил июлда фаолият бошлади, 35 та иш ўрни яратилган.

Лойиҳанинг аҳамияти шундаки, корхонада ёпиқ сиғимда интенсив усулда балиқ етиштирилади. Яъни сувдан такроран фойдаланиш эвазига катта ҳажмда сув тежалади. Масалан, 200 тонна балиқ етиштириш учун оддий шароитда 1,5 миллион метр куб сув сарфланса, бу ерда 250 метр куб етарли. Бу Қорақалпоғистон учун жуда муҳим.

Шу ерда қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари чорвачиликда оилавий кооперцияларни йўлга қўйиб, паррандани кўпайтириб, гўшт нархини арзонлаштириш чораларини кўриш муҳимлигини таъкидлади. Ҳудудда ер ва сувнинг аниқ ҳисобини юритиш, бунга ахборот технологияларини жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Нукус шаҳрида кўп қаватли туражойлар ва IT-парк қурилишини кўздан кечирди.

Татибай кўчасидаги янги тураржой мажмуаси замонавий андозалар асосида, зилзилабардош қурилиш материалларидан бунёд этилмоқда. Ташқи деворлар 3 қаватли энергиятежамкор материалдан иборатлиги боис хонадонлар қишда иссиқ, ёзда салқин бўлишга эришилади.

160 та хонадонга мўлжалланган 2 та 16 қаватли уй келаси йилда яшаш учун тайёр ҳолда топширилади.

Президент янги уйнинг шоу-румида бўлиб, уларда яратиладиган шароитлар билан танишди.

Шу ерда IT-парк ҳам қурилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 8 та рақамли иқтисодиёт маркази фаолият кўрсатмоқда, уларда ахборот технологиялари соҳасида ёш мутахассислар тайёрланмоқда.

Мазкур IT-парк рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ишларнинг узвий давоми бўлиб, у ишга туширилса қорақалпоғистонлик ёшларга ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида изланишлари учун кенг имконият очилади.

Маълумки, жорий йил мамлакатимизда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб эълон қилинган. 8 июнь куни Президент ҳузурида ўтказилган тақдимотда ҳудудларда соҳа ривожига шароит яратиш, Бухоро, Наманган, Нукус, Самарқанд, Урганч ва Жиззах шаҳарларида Тошкентдаги IT-парк филиалларини ташкил этиш бўйича вазифалар белгилаб берилган эди.

Нукус шаҳрида барпо этилаётган IT-парк 16 қаватдан иборат бўлади. Уни 2021 йилда ишга тушириш режалаштирилган.

Бу ерда ахборот технологиялари бўйича мутахассислар қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, таълим, туризм, маданият, қурилиш ва транспорт каби соҳаларда истиқболли лойиҳалар устида иш олиб боради. Шунингдек, рақамли технологиялар ўқув маскани, коворкинг маркази, ўқув ва киберспорт хоналарида ёшларга ахборот технологиялари бўйича билим берилади.

Президент Шавкат Мирзиёев қурилиш жараёнини кўздан кечирар экан, Тошкент шаҳридаги ҳар қандай истиқболли янгиликлар Нукус шаҳрида бўлиши кераклигини, ҳар бир туманлардаги кўчаларни замонавий шаклга келтириш ва одамларга қулайлик яратиш лозимлигини таъкидлади.

**— Тошкентда нима янгилик бўлса, Нукусга келиши керак, — деди Президент. — Янгича ишламасак, замон қабул қилмайди.**

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳри туманларини Нукус шаҳри маҳаллаларига бириктириш, кўчаларни ёритиб, ободонлаштириб, савдо ва хизмат шохобчаларини кўпайтириш, аҳолининг дам олиши учун шароитларни кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга ташрифи якунланди.


**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**


## Муносабат

# «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОСТОНАСИ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ»

*Иморатлар ичида энг улуғи мактаб, деб эътироф этилса, касблар ичида энг шарафлиси, бу, албатта, ўқитувчилик, устозлик касбидир. Шу боис юртимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида нишонланиб келинади. Зеро, бу, ўз билим ҳамда тажрибаси, инсоний фазилатлари ва қалб қўрини маърифат йўлига бағишлаган азиз устоз ҳамда мураббийларимизга нисбатан халқимизнинг ҳурмат-эҳтироми рамзидир.*

Шу йилнинг 30 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиб, нутқ сўзлади. Унда таълим соҳасини ривожлантириш юзасидан долзарб масалаларга тўхталиб, уларнинг ечими юзасидан муҳим ташаббусларни илгари сурди. Мазкур ташаббуслар соҳа фидойилари томонидан мамнуният ҳамда катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Қуйида таълим соҳаси вакилларидан айримларининг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

➡ 3

# «БАЁНИ ҲАҚИҚАТ»

**Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Буюк хизматлари учун» орденига муносиб кўрилгани муносабати билан.**

*Ўз мураббий ва муаллимларини, айниқса, тарихда ўтган улкан алломаларини эъзозлаган халқнинг истиқболи порлоқ бўлади. Уларнинг ҳаёт йўлидан, асарлари, орзу-ниятлари ҳамда тафаккур тарзидан маънавий озуқа олинади.*

Мозийнинг олтин саҳифаларида куч-қувват, ибрат ва сабоқ бор. Жадид зиёлиларидан бири Шаҳид Эҳсон ўтган асрнинг 20-йилларида "Ҳақиқат" деган журналда ёзган бир мақоласида, айнан тарихни ўрганиш, ундан куч олиш маъносида "Бир ўқ-ёй отатурган вақтингизда, ёйнинг ипини ортга қанчалик қаттиқ тортиб, ортга тисарилиб, сўнгра қўйиб юборсангиз, ўқнинг шиддати шунчалик тез ва кучли бўлади", деган мазмунда ҳодисани ўхшатишга кўчириб ифода қилади.

Тарих, бу — кўзгу, инсониятнинг ўтмишдаги юзи, қиёфаси. Тарих — биз доимий равишда мурожаат қиладиган муҳташам китоб. Унинг саҳифалари кўп ва турли-турли.

Ўқитувчи ҳамда мураббийларни табриклаган нутқида Ўзбекистон Президенти тарихга жуда кўп мурожаат қилди. Мен жадид алломалари тилга олинган, хусусан, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва Мунаввар қорини "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирлаш хабарини эшитган маҳали, тўғриси, беҳад қувондим.

Абдулҳамид Чўлпоннинг мақолаларидан бири "Кўлагада қолганлар тўғрисида" деб номланади. Бир неча ўн йиллар нарида жадидларга бўлган муносабатни ўйлаганимда, шу мақола номи хаёлимга келади. Чўлпон бошқа мавзуни ёзган, аммо менинг тасаввуримда кўлага — сояда қолган инсонлар сифатида жадидларнинг қиёфаси пайдо бўлади. Жадид зиёлилари сояда қолди, уларнинг тарихий хизматлари қадрланмади, ўз вақтида холис, одил ва ҳаққоний баҳоланмади. Ҳолбуки, улар XX аср бошларидаги миллий уйғониш ҳаракатининг йўлбошчилари, шу жадидчилик ҳаракатининг иштирокчилари, жадид адабиёти ҳамда санъатининг улкан намояндалари эди. Бундан кўз юмиш ҳақиқат кўзгусига тескари боқиш бўлади.

➡ 3

# ТОШНИ ЖОЙИДАН СИЛЖИТИШ ОСОН ИШ ЭМАС

*2020 йилнинг 23 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияда илк бора она тилимизда нутқ сўзлади. Тошкент вақти билан соат 18.18 да бошланиб, 18 дақиқа давом этган бу нутқда қандайдир сиру синоат, нурли келажакка ишора бордек. Зеро, ота-боболаримиз коинотни ўн саккиз минг оламдан иборат, деб билганликлари ҳам бежиз эмас.*

## Акс садо

### Ташаббускор давлат

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига бемалол юз очиши ва инсоният барқарор тараққиёти йўлида илғор ғояларни олға суришида 2017 йил июнь ойида БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи муҳим роль ўйнаганини айтиб ўтиш жоиз. Ўша тарихий учрашувдан сўнг, биз икки сиёсий воқеанинг гувоҳига айландик. Биринчиси, Ўзбекистон шу йилдан бошлаб ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамиятни қаратди ҳамда келгусида интиладиган энг муҳим мақсад-муддаоларини улкан ҳудуддаги мамлакатлар тақдирида кўра бошлади. Иккинчиси, Президентимизнинг 2017 ва 2020 йилларда БМТ Бош Ассамблеяси минбарида туриб киритган таклифлари туфайли Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари ичида ташаббускор, деб тилга олинган давлат бўлди.

Албатта, бундай юксак даражага етишишнинг ўзи бўлмайди. Бу мамлакатимиз раҳбариятининг улкан ҳамда тинимсиз меҳнати самараси, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз. Йигирма олти йил мобайнида ёпилган чегараларнинг очилгани, оқилона муроса асосида амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничиликнинг мустаҳкамлангани, хусусан, иқтисодиёт ривожи, аҳоли фаровонлиги учун инвестицион муҳитнинг яратилгани юртимизга шундай маънавий ҳуқуқни берди, албатта.

➡ 2

# ТОШНИ ЖОЙИДАН СИЛЖИТИШ ОСОН ИШ ЭМАС

◄1

2017 йил июнида Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзуидаги юқори даражадаги халқаро анжуманда минтақадаги фундаментал муаммолар, жумладан, 1979 йилдан буён истилочиларнинг тазйиқи ҳамда ўзаро курашлар остида яшаётган Афғонистон Ислом Республикасининг дарду изтироблари ҳам ўртага ташланди.

### Афғон жамиятини тиклаш йўлида

Қирқ бир йиллик уруш то 1978 йилгача мавжуд бўлган афғон жамиятининг ички кучлари мувозанатини бузди ва ягона афғон давлатини қайта тиклаш, иқтисодиётни ривожлантириш масаласини узоқ йиллар орқага суриб ташлади.

Бизнинг таҳлилимизча, Афғонистонда давом этган тинимсиз кураш жараёнлари бир қатор салбий оқибатларга олиб келди: биринчидан, чет эл интервенцияси ва фуқаролар уруши ягона афғон давлатининг салоҳиятини емирди; иккинчидан, таълим, саноат, давлат бошқаруви тизими деярли издан чиқди; учинчидан, анъанавий афғон жамияти элитаси обрўсига жиддий путур етказилди; тўртинчидан, мамлакат қолоқлик чегарасини ҳатлаб ўтолмади ва тарихий имконини бутунлай қўлдан бой берди. Ана шулар натижасида Ҳинд океанига чиқадиган геосиёсий ҳамда геостратегик нуқтада ўрнашган Афғонистон сўнгги йилларда қудратли давлатлар манфаатлари кесишадиган, аниқ “мўлжал”га олинган давлатга айланди.

### Тинчлик масаласидаги дадил қадамлар

Ниҳоят, узоқ йиллик кутишлардан сўнг, Афғонистон тинчлиги масаласида ижобий қадамлар ва ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. 2017 йил 6 июнда Кобулда илк маротаба афғон муаммосига доир халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 27 давлат ҳамда халқаро ташкилотлар иштирок этди. 2018 йилнинг 28 февралида Кобул жараёнининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Бу сафар дунёнинг 25 давлати вакиллари, жумладан, Ўзбекистон делегацияси ҳам қатнашди. Анжуманда Афғонистон Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанининг баёнот бериб, “барчаси кўнгилдагидек ўтса”, толибларга Кобулда қароргоҳларини очишга рухсат берилиши, фуқаролик паспортлари тақдим этилиши ва мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш имкони берилишини таъкидлади. Бундан ташқари, мамлакат қамоқхоналаридаги толиблар озод қилиниб, улар оила аъзолари билан мамлакатнинг исталган ҳудудида истиқомат қилишга рухсат берилиши айтилди.

2018 йил 26-27 март кунлари бўлиб ўтган Тошкент конференцияси бу борада қўйилган учинчи йирик тадбир эди. “Шавкат Мирзиёевнинг Жанубга мурожаати — бугунги жаҳон саҳнидаги энг асосий қадамлардан бири”, деб ёзди Евроосиё ва Россия бўйича америкалик эксперт Стивен Фредерик Старр ҳамда сўзларига изоҳ берди. Унинг фикрича, бу қадам минтақада ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган сув ва транспорт йўлаги муаммоларига ечим топишга имкон яратади. Янги темир йўл йўналиши Афғонистон ҳукумати учун ниҳоятда зарур тармоқдир. Гап шундаки, Ўзбекистон Афғонистоннинг иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнай олиши мумкин. Мисол учун Мозори-Шариф шаҳри бошқа мамлакатлар пойтахтлари билан тўғридан-тўғри алоқага киришади.

Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида Афғонистон муаммоларига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуман сезиларли қарорлар қабул қилинишига олиб келди. Бу тарихий аҳдлашув Марказий Осиё минтақаси иқтисодий ва сиёсий ривожига, шубҳасиз, ижобий таъсир ўтказди.

### Муаммо — жаҳон минбарида

2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистон Президенти афғон муаммосини дадил кўтариб чиқди. “Аминмизки, Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўйилмаган, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришдир”, деган таклифни илгари сурди давлатимиз раҳбари. Сўнг фикрини давом эттириб, “Афғонистон масаласи глобал миқёсдаги масалалар марказида бўлиши лозим. Халқаро жамиятнинг саъй-ҳаракатлари, биринчи навбатда, Афғонистондаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилиши керак. Бу жафокаш юртда тинчлик ўрнатишга кўмаклашиш йўлидаги бизнинг умумий қатъий ҳаракатларимиз асло сусаймаслиги лозим”, деб таъкидлади.

2020 йил 23 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясидаги навбатдаги чиқишида Ўзбекистон раҳбари яна шу муаммога жаҳон жамоатчилиги эътиборини тортди. “Биз Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида қабул қиламиз”, деди Юртбошимиз ва Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган ҳаракатларни санаб ўтди: “Минтақада иқтисодий интеграция жараёнларига Афғонистонни кенг жалб этиш мақсадида “Сурхон — Пули-Хумри” электр узатиш тармоғини, Мозори-Шарифдан Ҳинд океани портларига чиқадиган темир йўл қурилиши каби йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга киришдик”.



Шу билан бирга, янги таклифлар илгари сурилди: “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этиш лозим. Ушбу қўмитанинг асосий вазифаси Афғонистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмак беришдан иборат бўлиши зарур”.

Нуфузли минбардан туриб олға сурилган ушбу ташаббусларни нафақат Марказий Осиё давлатлари, балки жаҳондаги барча тинчликсевар халқлар чин дилдан олқишлади.

2020 йил сентябрь ойи бошида Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида бўлиб ўтган АҚШ ва “Толибон” ҳаракати, Афғонистон ҳукумати ҳамда “Толибон” ҳаракати ўртасидаги учрашувлар иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ва ташаббусини юқори баҳолади. Доҳа учрашуви музокаралари давомидан кейин барча томонлар якдил бир қарорга келишига, тинчлик ҳамда барқарорлик, миллий тараққиёт даври бошланишига оз фурсат қолди, назаримизда.

**Хулоса ўрнида**

Таъбир жоиз бўлса, “тошни жойидан силжитиш” фақат кучли сиёсатчилар ва йирик давлатларнинг иштиёқига, ҳамфикрлигига боғлиқ кечадиган жараён. Бу борада ташаббус кўрсатиб, бутун бир жафокаш халқнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, тинч ҳаётга қайтишига кўмак бериш нақадар савобли иш эканлигини дўст қўшниларимиз юракдан ҳис қилиб турибди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқи аввалидан то охирига қадар тинчликпарварлик, адолат ва бунёдкорлик ғояларини улуғловчи руҳда бўлди. Бу Марказий Осиё минтақаси келажаги учун умид бериши билан диққатга сазовор.

**Биринчиси,** Афғонистонда барқарорлик бўлса, Марказий Осиё минтақасида янги таҳдидлар ҳамда чақириқлар, хусусан, терроризм, диний экстремизм, наркобизнес ва ноқонуний қурол-яроғлар савдоси каби иллатларнинг камайишига олиб келади; **иккинчиси,** Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш борасида турли аҳамиятга эга бўлган ташаббуслар Истанбул (2011), Москва (2016), Кобул (2017) ташаббуслари илгари сурилган, аммо якуний натижага эришилмаган эди. Ўзбекистон ташаббуси ҳамда БМТ шафелигида ўтказилаётган сўнгги ҳаракатлар натижасидан кўзланган асосий мақсад Афғонистон Ислом Республикасининг минтақавий иқтисодий жараёнларга интеграциялашувини таъминлашдан иборат. Агар бу вазифа уддалангудек бўлса, терроризм, диний экстремизм, наркобизнес ва ноқонуний қурол-яроғлар савдоси ҳам аста-секин барҳам топади.

Энг муҳими, Марказий Осиё минтақасида, хусусан, Ўзбекистонда ташқи хавф-хатар йўқолиб, иқтисодий ривожланиш жараёнлари тезлашади.

**Бахтиёр ОМОНОВ,**
**Тошкент ахборот технологиялари университети профессори, сиёсий фанлар доктори.**

# ТЕНГСИЗЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

*БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) концепциясида бошқа мақсадлар қаторида аҳоли ўртасида тенгсизликни қисқартириш мақсадлари ҳам белгилаб берилган.*

*Мамлакатимиз 2015 йилда 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш миллий мақсадлар бажарилишини ўз зиммасига олгани, бу борада вазирликларнинг ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилиб, белгиланган вазифалар ҳукумат томонидан қай даражада бажарилаётганига парламент томонидан баҳо берилиб борилаётир. Ўз навбатида, бу, депутатларга ҳам катта масъулият юклайди.*

## Ўрганиш ва таҳлил

Ўзбекистон Республикасини барқарор ривожлантириш соҳасидаги миллий мақсадлар ва вазифаларнинг 2030 йилгача бўлган даврда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича парламент комиссияси тузилган. Ушбу комиссия аъзолари томонидан бу борада ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар ижроси мунтазам ўрганилиб, таҳлил қилиб борилмоқда.

Айни кунларда парламент комиссиясининг иш режасига асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан БРМнинг 10-мақсади: аҳоли орасида тенгсизликни қисқартириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолати Фарғона ва Сирдарё вилоятлари мисолида ўрганиляпти.

Таҳлилларга кўра, Сирдарё вилоятида бу борада ўтган давр мобайнида тизимли ишлар амалга оширилган. Вилоятда тенгсизликни қисқартириш йўналишида олиб борилаётган тадбирлар ва бу борада реал эришилган натижалар ҳам эътиборга молик. Хусусан, аҳоли даромадларини оширишнинг энг катта манбаи — тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида вилоятда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётгани ишчи гуруҳ томонидан эътироф этилди.

Жумладан, Оқолтин туманида “Оқолтин Текстиль” МЧЖ томонидан ташкил этилаётган лойиҳа қиймати 17 миллион АҚШ долларига тенг тикувчилик ишлаб чиқариш корхонасида 500 та янги иш ўрни яратилади. Корхона шу йилнинг октябрь ойида ишга туширилади. Айни пайтда хотин-қизлар ва ёшларни касбга тайёрлаш мақсадида улар бандликка кўмаклашиш маркази томонидан ўқитиляпти.

Оқолтин туманида яна бир янги тикувчилик корхонаси ишга тушганига ҳали кўп бўлгани йўқ. “Karpidi-M inteks” МЧЖ томонидан ташкил этилган тикувчилик корхонасида бугунги кунда 70 нафар аёл, мактаб ҳамда коллежни битирган қизлар ишламоқда. Бу ерда ишчи-ходимларга барча шароит яратилган. Йил якунига қадар яна 60 нафар аёлни иш билан таъминлаш ва маҳсулотларни экспортга чиқариш мақсади қўйилган.

Вилоятда нафақат даромадларда, балки таълим, тадбиркорлик фаолияти субъектлари фаолиятидаги тенгсизлик, меҳнат тенгсизлиги муаммолари каби йўналишларда ҳам муайян ишлар амалга оширилган.

Туманлардаги айрим камбағал оилалар аъзолари билан учрашиб, давлат томонидан берилаётган ижтимоий ёрдам моҳияти ҳамда уларга даромад манбаини яратишда тавсиялар кўрсатилиши тўғрисида суҳбатлар ҳам ўтказилди.

Чунончи, Янгиер шаҳридаги Бобур маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Ш. Халиловга 15 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, компьютер ва оргтехникаларни таъмирлаш устахонаси очилиши натижасида ушбу оила “темир дафтар”дан чиқарилди. Шодлик маҳалласида яшовчи Ҳ. Обидова ҳам имтиёзли кредит олиб, гул тўқишни йўлга қўйган. Бунинг натижасида тўрт нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Худди шу маҳаллада яшовчи Г. Исадуллаева эса 10 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тикувчилик билан шуғулланяпти. Бу эса оилага яхшигина даромад киради, дегани.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари Мирзаобод туманида ҳам бўлиб, ҳудудда аҳолини камбағалликдан чиқариш мақсадида ташкил этилган аниқ иш ўринлари ва доимий даромад манбалари ҳолати ўрганилди.

Боғистон маҳалласида истиқомат қилувчи Ж. Аҳмедовага 29 миллион сўм кредит ажратилиб, уч сотих майдонда иссиқхона барпо этилган. Натижада боқувчисини йўқотган бу аёл доимий даромад манбаига эга бўлиб, “темир дафтар”дан ўчирилган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ўрганиш давомида тенгсизликни қисқартириш борасида амалга оширилиши керак бўлган мақсад ва вазифалар тўғрисида мутасаддиларга тегишли тушунтириш ҳамда кўрсатмалар берилди.

Депутатлар томонидан шаҳар ва туманлар кесимида тенгсизлик кўрсаткичларининг вилоят даражасидан пастлиги сабаблари таҳлил қилинди.

Ишчи гуруҳининг ўрганишлари давом этмоқда.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Сессия

***Конимехда сўнгги уч-тўрт йилда барча соҳада салмоқли ишлар амалга оширилди. Буни англамаслик мумкин эмас, албатта. Лекин бугуннинг талаби, юксалиш шиддатининг мезонлари мутлақо бошқача. Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали ташқи бозор географиясини кенгайтириш, пировард натижада аҳоли фаровонлигини янада ошириш, камбағалликни бартараф этиш муҳим масалалардан бири.***

# ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҚОЛОҚЛИК БАРТАРАФ ЭТИЛАДИМИ?

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 1 майдаги “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан туманлар ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳар йили рейтинг баҳолаш тизими жорий этилгани ҳам бежиз эмас. Бу юртимизда тадбиркорлик ташаббуслари ҳамда лойиҳаларини амалиётга жорий этиш, одамлар билан мулоқот тизимини йўлга қўйиш, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини ошириш, ҳудудларни жадал ҳамда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаяпти.

Президентимиз раислигида 24 сентябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичлари муҳокама қилиниб, 33 ҳудуд, жумладан, Конимех тумани “қониқарсиз” деб баҳоланганлиги қайд этилди. Йиғилишда йўл қўйилган камчиликларни чуқур таҳлил қилиш, аҳволни қисқа фурсатларда ўнглаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган эди.

Халқ депутатлари Конимех тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда сектор раҳбарлари йўл қўйилган камчиликлар юзасидан аҳолига мурожаат қилиб, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган вазифалар бўйича режаларини тақдим қилди.

Сессияда туман ҳокими сўзга чиқиб, ўтган йили ҳудудда аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ҳажми вилоят кўрсаткичидан 1,7 марта кам бўлгани, сувни тежайдиган технологиялар билан таъминланган қишлоқ хўжалигидаги ер майдонлари мавжуд эмаслиги, умумий инвестициялар ҳажмида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши 1,5 фоизни ташкил қилгани, рўйхатдан ўтган 512 та тадбиркорлик субъектининг 135 таси фаолият юритмагани ва бошқа йўналишларда ҳам салбий кўрсаткичлар қайд этилганини, бундай камчиликларга йўл қўйилишида секторлар раҳбарларининг бевосита айби бор эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, сессияда юзага келган ижтимоий-иқтисодий қолоқликни бартараф қилиш бўйича туман ҳокими ва секторлар раҳбарларининг маърузалари тингланди. Бир қатор инвестицион лойиҳалар тақдимоти муҳокама этилди.

Хусусан, шу йил якунига қадар қиймати 54,5 млрд. сўмлик 20 та саноат ишлаб чиқариш лойиҳасини ишга тушириш натижасида ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилдагига нисбатан 102,2 фоизга, шунингдек, халқ истеъмол моллари 100,9 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 103,6, қурилиш ишлари 105,5, чакана савдо айланмаси 101,7 ва хизматлар ҳажми 102,4 фоизга (156 млрд.сўм) ўсишини таъминлаш режалари баён этилди.

Тумандаги 11 корхонани экспорт фаолиятига жалб этиш эвазига жорий йилнинг 9 ойи давомида жами 1 млн. 941 минг АҚШ долларилик маҳсулотлар экспорти амалга оширилиб, йиллик режа 103,6 фоиз бажарилгани, мазкур кўрсаткични йил якуни билан жами 2 млн. 491 минг АҚШ долларига етказиш чоралари кўрилаётгани таъкидланди.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва диверсификацияси кўрсаткичлари йўналиши бўйича 2019 йилда экспортга йўналтирилган саноат маҳсулотлари ҳажми 1 млрд. сўмлик бўлиб, ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларига нисбати 0,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 6 та саноат ишлаб чиқариш лойиҳасини экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтириш натижасида 19 млрд. 879 млн. сўмга ёки ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларига нисбатини 13,0 фоизга етказиш бўйича чора-тадбирлар тақдим этилди.

Тадбир якунида туман ҳокими ва секторлар раҳбарлари депутатлар ҳамда ОАВ ходимлари саволларига жавоб қайтарди.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЙЎЛИДА ШЕРИКЛИК

*Пойтахтимизда бўлиб ўтган галдаги давра суҳбати ана шундай номланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси ижроси доирасида ташкил этилган ушбу анжуман “Одам савдосига қарши курашиш: 2015 — 2020 йиллар” номли Марказий Осиё минтақавий дастурининг якунларига бағишланди.*

## Давра суҳбати

Онлайн тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг Ўзбекистондаги офиси билан ҳамкорликда ўтказилди. Унда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия аъзолари, Ўзбекистоннинг Женева шаҳридаги БМТ бўлинмаси ҳамда бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий ваколатхонаси, вазирликлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, дунё бўйлаб ҳар йили миллионлаб инсонлар одам савдоси қурбонига айланаётгани ташвишли ҳол. Улар орасида аёллар, кексалар, ҳатто ёш болалар ҳам борлиги ачинарлидир. БМТ маълумотига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда.

— Одам савдоси — миллионлаб инсонларнинг ҳаётига дахл қилаётган ва инсоний қадр-қимматни камситаётган глобал муаммо, — дейди Миграция бўйича халқаро ташкилотнинг Ўзбекистон бўйича менежери Санжарбек Тошбоев. — Бу муаммони биргаликда ҳал этиш самарали, албатта. Таҳлилларга кўра, 2015 — 2020 йиллар давомида юртимизда 1750 та одам савдосидан жабрланган фуқарога амалий ёрдам кўрсатилган. Мақсадимиз бундай муаммоларнинг олдини олишдан иборат. Бугунги тадбир ҳам ана шунга, яъни ушбу йўналишда нималар қилинди-ю, яна нималарга эътибор қаратишимиз кераклиги, истиқболдаги режаларни муҳокама этиш мақсадида ташкил қилинди.

Қайд этилганидек, БМТ ҳамда унинг тузилмалари, ЕХҲТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда давлатлар одам савдосига қарши курашишга катта эътибор қаратяпти. Ўзбекистон одам савдосига қарши кураш йўналишида халқаро ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, миллий қонунчилик ҳамда механизмларни такомиллаштириш борасида изчил чора-тадбирларни амалга ошираётгани ва бу ўзининг ижобий самараларини бераётгани айтиб ўтилди.

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан Миграция бўйича халқаро ташкилот ҳамкорлигида 2015 — 2020 йилларда ЮСАИД донорлик кўмаги асосида одам савдосига қарши курашиш йўналишида муҳим тадбирлар амалга оширилгани ҳақида атрофлича сўз юритилди. Бу борада, аввало, ахборот-таҳлилий йўналишда 2017 йилда одам савдосига қарши курашиш ва мигрантлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича миллий тизим таҳлили амалга оширилганини таъкидлаш лозим. Тренинглар йўналишида эса 6 та қўшма тадбир доирасида 166 нафар мутахассиснинг касбий малакаси оширилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг Ахборот-ресурс марказида Одам савдосига қарши курашиш бўйича алоҳида бўлим ташкил этилиб, бу ерга 25 номдаги 100 та махсус адабиёт келтирилди. Ушбу кутубхона, шунингдек, зарур техник ускуналар билан жиҳозланди.

Давра суҳбати якунида янги нашр — “Одам савдосига қарши курашиш” номли қўлланманинг тақдимоти ҳам ўтказилди. Болалар ва ёшлар учун мўлжалланган ушбу мўъжаз китоб ўзбек тилидаги мухтасар матн ҳамда расм-безакли шаклда тайёрланган. Қўлланма “Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва уни бартараф этиш ҳамда бунинг учун жазолаш тўғрисида”ги Палермо протоколининг 20 йиллиги муносабати билан чоп этилди.

Тақдимотда Ўзбекистон учун Палермо протоколи талабларини рўёбга чиқариш муҳим вазифалардан бири бўлиб турганига эътибор қаратилди.

**«Халқ сўзи».**

# КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТДАН ФАЙЗ-БАРАКА АРИМАЙДИ

*Мамлакатимиз ҳозиргача турли жабҳаларда эришган ютуқлар, шаҳар-қишлоқларимиз гуллаб-яшнаши замирида нуроний отахону онахонларимизнинг улкан хизматлари мужассамлашган. Демак, навқирон авлод уларнинг олдида қарздор эканликларини унутмаслиги, имкон қадар мушкулларини осонлаштириши, хонадонлар тўрида қўр тўкиб ўтиришларидан қувониши ҳамда фахрланиши керак.*

## Эътибор

Табиийки, турмушнинг аччиқ-чучугини бошидан кўп ва хўб кечирган, бугунги кунда эл ардоғида яшаётган кексаларнинг ҳаётий тажрибаларидан фарзандлар тарбияси ҳамда Ватан равнақи йўлида фойдаланиш асло зарар қилмайди. Уларнинг юртимизда тинчлик-осойишталикни барқарорлаштиришдаги иштирокини ошириш эса ёшларни ватанпарварлик ҳамда миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда асқатади. Ўз навбатида, бу, қартайган чоғида ҳам эл-улусга ҳамнафас бўлиб, турли соҳалар ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшаётган, шу тариқа ҳар кунини мазмунли ўтказаётган нуроний отахону онахонлар қалбига ўзгача завқ бағишлайди, уларнинг умрини узайтириб, кексалик даврини янада гаштли ва файзли қилади.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг мамлакатимизда ёши улуғларга доимий ғамхўрлик кўрсатиш масаласи давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бирига айланди. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича талай ибратли ишлар амалга оширилди. Энг аввало, қарияларни ижтимоий ҳимоялаш, ҳаёт даражаси ва турмуш тарзини, моддий шароитларини янада яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Холис ниятда 2002 йил “Қарияларни қадрлаш йили”, 2015 йил “Кексаларни эъзозлаш йили” деб номланди. Бундан ташқари, сўнгги уч йил мобайнида “Фахрий мураббий” ордени, “Меҳнат фахрийси” ҳамда “Мўътабар аёл” кўкрак нишонлари таъсис этилди.

Мавриди келганда айтиш жоиз, мустақиллик йилларида соҳага оид қонунчилик базаси ҳам босқичма-босқич такомиллаштириб борилди. Охирги пайтларда айни йўналишдаги саъй-ҳаракатлар янада жадаллашди. Чунончи, “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонун, Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрда “Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Шунингдек, республика васийлик кенгаши, ҳудудий васийлик кенгаши, маҳаллаларда “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ҳақидаги ҳамда бошқа низом ва намунавий ҳужжатлар тасдиқланди.

Янги тузилмалар таркибига эса аҳоли орасида мавқеи баланд, турмуш сабоқларини обдан ўзлаштирган ва одамларни ўз ортидан эргаштириш қобилиятига эга қариялар киритилди. Улар меҳнат фахрийлари ҳамда нуронийларнинг билими ва ҳаётий тажрибаларидан маҳаллалар ҳамда оилаларда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ажрашиш даражасига келиб қолган эр-хотинларни яраштириш, ўзаро низолашган қайнона-келинларни муросага келтириш, турли ҳуқуқбузарликларнинг пайини қирқиш, ёшлар маънавиятини юксалтириб, қалбларида халқпарварлик ҳиссини жўш урдириш йўлида фойдаланмоқдалар. Бунда муайян ҳудудда яшаётган, маҳалла-гузарнинг кундалик ҳаётида фаол қатнашаётган кайвони онахону бообрў оқсоқолларнинг хизматлари ҳам катта бўлмоқда. Ёш оилалар ажрашиб кетишига барҳам бериш учун маҳаллаларда нуфузли, ёшларга тўғри йўл-йўриқ кўрсата оладиган бувижонлар иштирокида “Онахонлар ўгити” мавзуида учрашувлар ўтказилмоқда.

Шубҳасиз, кексалар манфаатларини кўзлаб қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга ҳамда саломатлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилаётир. Зеро, энди табаррук ёшлиларни даволаш ва соғломлаштириш ишлари, санаторийларда дам олишлари бепул амалга оширилаётир. Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз қариялар ҳамда ногиронлиги борларга асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, гигиена воситалари, кийим-кечаклар етказиб бериш тизимли равишда йўлга қўйилаётир.

Яширишнинг ҳожати йўқ, ёши катталар кўпинча соғлиғи билан боғлиқ муаммолардан азият чекишади. Баъзилари тақдирга тан бергандек бўлиб, “Ҳа, энди нимаям қилардик, машойихлар айтганидек, қарилик хасталик-да! Бу ёшда одам қилга ҳам қоқилиши тайин”, деб қўйиши бор гап.

Аслида-чи?.. Аслида уларни қийнаб, дунёни кўзларига тор қилиб кўрсатаётган касалликлар аксарият ҳолларда кам ҳаракатланиш оқибатида урчийди.

Буни қарангки, Президентимиз шу йил 2 февраль куни пойтахтимизнинг Яшнобод туманига ташрифи чоғидаги мулоқотларда айнан шу омил хусусида тўхталиб, серҳаракатлик инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатишини алоҳида эслатиб ўтди. Пировардида ҳурматли отахонлар ва муҳтарама онахонларни оммавий спорт турларига кенг жалб этиш улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришнинг муҳим шарти эканлигини уқтириб, ўз таклиф-тавсияларини билдирди.

“Нуроний” жамғармаси шу фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, диққатга молик бир қатор ишларга қўл урди. Жумладан, республикамизда мавжуд фуқаролар йиғинларининг кўпчилигида кексаларни ёши ва ҳолатига қараб, жисмоний тарбия билан шуғулланишга, фаол турмуш тарзи юритишга жалб этиш мақсадида “Ғайратли кексалар” спорт гуруҳларини ташкил қилди. Шунингдек, уларнинг бевосита иштирокида “Саломатлик учун 5 минг қадам” шиори остида пиёда юриш тадбирлари ўтказишни йўлга қўйди. Маҳаллалар фаоллари, спорт ҳамда тиббиёт ходимлари аҳоли, чунончи, нуроний отахон ва онахонлар ўртасида олиб бораётган кенг кўламли тарғибот ишлари натижасида юртимизда спорт билан шуғулланувчи кексалар сафи тобора кенгаймоқда. Айтиш жоизки, чорак аср мобайнида юртимизда ўртача умр кўриш давомийлиги 67 ёшдан 73,5 ёшга узайган бўлса, келгусида бу кўрсаткич янада ўсиши кутилмоқда.

Эътиборга сазовор жиҳати, пандемия балоси туфайли Европанинг кекса ёшли аҳолиси мураккаб вазиятга тушиб қолган, айниқса, қитъадаги қариялар уйлари COVID-19 инфекциясининг даҳшатли ўчоқларига айланган бир пайтда бизнинг мамлакатимизда оқилона йўл тутилди. Аниқроғи, бу тадбирлар, кексалар билан ишлаш карантин қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда уюштирилди. Шунингдек, бир неча минглаб қариялар санаторийларда муолажа олиб, соғлиғини тиклади. Ёки баъзилари чуқур тиббий кўрикдан бепул ўтган бўлса, айримлари муқаддас қадамжоларни зиёрат қилдилар.

Масалага шу нуқтаи назардан ёндашганда, ҳукуматимиз бултур 27 сентябрда қабул қилган “Кекса авлод вакилларининг жамиятдаги ўрни ва ижтимоий фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни мамнуният ила тилга олиш мумкин. Негаки, у ёши улуғларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга эътибор ҳамда ғамхўрликни кучайтириш, турмуш шароитини яхшилаш, фаол ва мазмунли ҳаёт кечиришини таъминлаш, бой ҳаётий тажрибаларидан кенг фойдаланиш мақсадига йўналтирилгани билан муҳим аҳамиятга эга. Ва яна, мазкур ҳужжатга кўра, БМТ Бош Ассамблеясининг 1990 йил 14 декабрдаги резолюцияси билан эълон қилинган “1 октябрь — Халқаро кексалар куни”ни мамлакатимизда ҳам ҳар йили муносиб нишонлаш учун октябрь ойининг биринчи ҳафтаси “Кексалар ҳафталиги” этиб белгиланди. Шунингдек, кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамиятдаги ўрнини янада ошириш ҳамда ҳафталикни юқори савияда ташкиллаштириш бўйича алоҳида дастур маъқулланди. Унга кўра, кексалар орасида соғлом турмуш тарзи ҳамда жисмоний тарбия билан шуғулланишни тарғиб қилиш, уларда саломатлик учун масъуллик туйғусини юксалтириш орқали инсон умрини узайтиришга кўмаклашувчи “Соғлом ва муваффақиятли қарилик” концепцияси ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди.

Бундан ташқари, “Кексалар ҳафталиги” доирасида илмий-амалий семинар, китобхонлик акциялари ва турли учрашувлар ташкил этилади.

Кенг кўламли бундай лойиҳа, режа ҳамда мақсадларнинг рўёбга чиқарилиши табаррук ёшдаги отахону онахонларимиз қалбига катта қувонч бағишлайди. Ўз навбатида, уларнинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеи мустаҳкамланишига, юртимизда тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлашга, турмуш фаровонлигини оширишга, келажагимиз ворислари ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

**Содиқжон ТУРДИЕВ,**
**«Нуроний» жамғармаси Республика бошқаруви раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## АКАДЕМИК ТЎРА МИРЗАЕВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Атоқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Тўра Мирзаев шу йил 29 сентябрь куни 84 ёшида вафот этди.

Т.Мирзаев 1936 йил 6 мартда Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилди. 1957 йили Бухоро давлат педагогика институтини тугатиб, меҳнат фаолиятини Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманидаги 22-ўрта мактабда ўқитувчи сифатида бошлади. 1961 — 1963 йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олди, 1965 йилда номзодлик, 1986 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг қарийб 65 йиллик илмий-педагогик ва ташкилотчилик фаолияти давомида Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, сектор мудири, директори, Фанлар академиясининг ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича вице-президенти, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг етакчи илмий ходими каби лавозимларда самарали меҳнат қилиб, юртимизда адабиётшунослик, фольклоршунослик фанлари соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Т.Мирзаев ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётини кенг кўламда тадқиқ этиш борасида илмий мактаб яратган, эпосшуносликнинг назарий ва амалий масалаларига доир кўплаб асарлари нафақат мамлакатимиз, балки чет элларда ҳам эътироф этилган таниқли фольклоршунос олим эди.

Айниқса, унинг раҳбарлиги ва иштирокида тайёрланган 15 жилдлик "Ўзбек фольклори ва адабиёти тарихи" илмий-амалий тўплами, "Алпомиш" достони, "Ўзбек халқ мақоллари"нинг академик нашрлари, шунингдек, олимнинг кўп жилдлик "Ўзбек халқ ижоди", "Ўзбек фольклори очерклари", "Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар" каби китоблари, кўплаб илмий мақолалари, китоб ва монографиялари миллий адабиётимиз ва маданиятимиз хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган заҳматкаш олимнинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган.

Академик Т.Мирзаевнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" фахрий унвони, "Фидокорона хизматлари учун" ва "Дўстлик" орденларига сазовор бўлган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Тўра Мирзаевнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ**

# ҚОРАКЎЛ МАКТАБИ АСОСЧИСИ

*...Ўшанда одатдаги иш кунларининг бири эди. Лицей директори хонасидаги сукунатни қўнғироқ овози бузди. Тўхтамурод Жумаев кўнгли бир нарсани сезган каби гўшакни шошганча кўтараркан, "Жавлонжон, бу сенмисан?", дея сўради. "Ассалому алайкум, устоз. Ҳа, бу менман. Табриклашингиз мумкин. Бронза медаль билан тақдирландим", деган сўзлар янгради нариги томондан.*

### Ибрат



Сурат "Халқ сўзи" фотожамламасидан олинди.

Олис Нидерландиядан келган бу хушхабарни эшитиб, муаллимнинг бўғзига нимадир тиқилгандек бўлди. "Ишончимизни оқладинг. Барака топ, болам", дея олди, холос.

Ахир бу унча-мунча эмас, оламшумул воқеа эди: оддий қишлоқ боласи математика фанидан ўтказилган жаҳон олимпиадаси совриндори бўлди! Дунёнинг манаман деган мутахассисларидан ташкил топган ҳакамлар ҳайъати ўттиздан зиёд давлатларнинг энг зукко ўқувчиларини ортда қолдирган ўзбекистонлик Жавлонжон Исомуродовнинг билимига тан берди. Она юртга ғалаба билан қайтган йигитчанинг кўксини "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони безади...

Сирасини айтганда, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Тўхтамурод Жумаевнинг фаолиятида бундай ҳаяжонли, қувончли лаҳзалар жуда кўп бўлган. Устоз раҳбарлик қилган Қоракўл академик лицейида ўқувчиларнинг ҳар йили вилоят, республикани қўя туринг, жаҳон миқёсидаги фан олимпиадаларида совриндорлар қаторидан ўрин олиши анъанага айланди. Бу, заҳматкаш муаллим ва лицей жамоасининг машаққатли меҳнати маҳсули, албатта.

Ютуқларга тамал тоши қўйилган давр эса 1990 йилнинг 1 сентябрига бориб тақалади.

— Худди ўша йилда физика ва математика фанларига ихтисослаштирилган лицей сифатида иш бошлаганмиз, — дея эслайди Т. Жумаев. — Билим даргоҳимиз 1999 йилнинг 2 сентябридан ихтисослаштирилган мактаб-интернатга айланди. 2010 йилдан бошлаб эса масканимиз замонавий қиёфадаги лицейда фаолиятини давом эттириб келяпти.

Биз аввалбошданоқ мактаб ота-она ва ўқувчига эмас, ўқувчи ҳамда ота-она мактабга интилсагина ютуққа эришиш мумкинлигини англаб етдик. Билимга чанқоқ, интилувчан, истеъдодли ёшларни топиб, уларга рисоладагидек таълим-тарбия бериш йўлидан бордик. Ўғил-қизларга ўрганишни, ўз устида мустақил ишлашни ўргатдик...

Халқ орасида "Тўхтамурод Жумаев мактаби", деган ибора аллақачон урф бўлган. Устознинг юқоридаги сўзлари шу мактаб муваффақиятлари мағзини чақиб бергандек туюлади. Мабодо, Тўхтамурод Жумаев шогирдлари эришган ютуқлар рўйхати тузилса, у бутун бошли рисолага айланиши тайин. Муҳими, АҚШ, Индонезия, Япония, Греция, Словения, Испания, Германия, Қозоғистон сингари давлатларда ташкил этилган халқаро фан олимпиадалари ғолиблари сафидан ўрин олган бу ёшлар айни дамда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишга ўз ҳиссасини қўшаётир, шогирдлар тайёрлашмоқда. Айни пайтда кексалик гаштини сураётган устоз эса шогирдларининг шогирдлари эришаётган ютуқларни эшитиб суюнади. Кўнглида шукроналик туяди.

— Устознинг ёш авлод таълим-тарбияси йўлидаги меҳнати, фидойилиги, касбга садоқати барчамиз учун ибрат, — дейди "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби Темир Рўзиев. — Хабарингиз бор, Вазирлар Маҳкамасининг "Бухоро вилояти Қоракўл туманида "Халқаро математика мактаби"ни ташкил этиш тўғриси"даги қарори қабул қилинди. Таълим даргоҳимизга "Халқаро математика мактаби" мақоми берилди. Тўхтамурод Жумаевдан олган сабоқларимиз ҳозир жуда асқатмоқда. Шогирдларимиз Хитой Халқ Республикаси, Таиланд Қироллиги, Япония, Ҳиндистонда ўтказилган халқаро фан олимпиадаларида совринли ўринларни қўлга киритди. Хусусан, кейинги икки йилда эришилган ютуқлар салмоқли. Масалан, 2018 йилда Самарқанд шаҳрида физика фани бўйича биринчи бор ўтказилган Мирзо Улуғбек номидаги халқаро олимпиадада Бобур Ҳалимов бронза медалга сазовор бўлди. Ўша йили Болгарияда математика фани бўйича ўтган халқаро олимпиададан Дониёр Исмоилов олтин, Лазиз Ражаббоев кумуш медаль билан қайтди. Севара Остонова эса махсус диплом билан тақдирланди. Улар жамоавий баҳсларда ҳам муносиб қатнашиб, кумуш медалга сазовор бўлдилар. Айнан шу ўқувчилар Озарбайжоннинг Боку шаҳри мезбонлик қилган математика, физика ва кимё фан олимпиадасида кумуш медалларни қўлга киритди.

Эътиборлиси, юртимиз донғини дунёга ёяётган бу ёшларнинг аксарияти оддий қишлоқ болалари. Уларнинг билимга ташналиги, яқинлари, дўстлари, устозларига ҳурмати, Ватанга меҳру муҳаббатини кўриб, ҳис этиб беихтиёр "отангга балли!" дейсан, киши. Бу юртпарвар ёшлар "Тўхтамурод Жумаев мактаби"дан сув ичган устозлар қўлида сабоқ олгани шундоқ сезилиб туради.

Айтмоқчи, 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни байрами арафасида давлатимиз раҳбари Фармонига мувофиқ, Тўхтамурод Жумаев "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди.

— Ҳаммаси учун Президентимиздан, давлатимиздан, халқимиздан миннатдорман, — дейди устоз. — Биласизми, мен илмни пухта эгаллаганларни чўққиларни забт этган альпинистларга ўхшатаман. Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ал-Фарғоний сингари буюк аждодларимизнинг вориси саналган ёшларимиз эришаётган ҳар бир ютуқ илм чўққилари сари қўйилган дадил қадамлардир. Истиқболга элтувчи йўл — шу.

Муаллим ҳақ. Бу сўзларга эса изоҳ шарт эмас.

**Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).**

### Таълим

# ФАРҒОНАДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАҚОМ МАКТАБИ

**миллий санъатимиз давомчиларини етиштириб чиқаради**



*Таваккал Қодиров, Расул қори Мамадалиев, Муроджон Аҳмедов бетакрор қўшиқлари билан Фарғона мақом мактаби анъаналарининг замонавий мезонлар асосида ривожланишига катта ҳисса қўшган эди.*

Фарғонада фаолияти йўлга қўйилган мақом мактаби миллий қадриятларимизга ҳамоҳанг ушбу санъат турини изчил давом эттирувчи янги авлодни тарбиялашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бу йил умумтаълим мактабларининг 5 ва 6-синфларини тамомлаган ўғил-қизлар мақом хонандалиги ҳамда созандалиги йўналишларига танлов асосида ўқишга қабул қилинди.

Ихтисослаштирилган мақом мактаби директори Нигора Баратованинг айтишича, янги ўқув биноси, ошхона ва 150 ўринли ётоқхона қурилиши давом этаётган ушбу муассасада "Ўзбек миллий мақом санъати маркази" ҳамда мақом ансамбли ташкил қилиш ҳам режалаштирилган.

**Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).**

# «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОСТОНАСИ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ»

1

**Собира БОБОЕВА, Гулистон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби:**

— Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ташкил этилган йиғилишда давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи иштирок этиб, соҳа ходимларини табриклагани ҳамда ўз нутқида таълим-тарбия борасида ғоят долзарб аҳамиятга эга масалаларни илгари сургани барча ўқитувчи-мураббийлар қатори мени ҳам ниҳоятда тўлқинлантирди. Хусусан, Президентимиз таълим соҳасига оид долзарб масалалар ҳақида гапирди, уларни ҳал этиш йўлларини кўрсатиб берди. "Тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир" деди Юртбошимиз. Бу сўзлар замирида қанчадан-қанча маъно борлигини уқиш қийин эмас, албатта. Нутқда дунёдаги ривожланган давлатлар юксак тараққиёт ҳамда турмуш фаровонлигига энг аввало, илм-фан ва таълимга қаратилган улкан эътибор туфайли эришгани қайд этилиб, шунинг учун кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳа қатори таълим тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Қоракўл туманидаги мактаб тажрибаси, эришаётган ютуқлари ҳақида ҳам тўхталиб, бундай мактаблар нега бошқа ҳудудларда йўқ, деган саволни ўртага ташлади. Яратилаётган шарт-шароитларга жавобан таълим сифатини ҳам ошириш зарурлигини алоҳида уқтирди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ўқитувчиларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда обрўси ҳар жиҳатдан юксалаётир. Шунга яраша турмушимиз ҳам фаровонлашмоқда. Ҳар бир ўқитувчи, педагог "Бу эътибор ва ғамхўрликка муносиб бўляпманми?" деган саволни ўзига бериши, шунга муносиб бўлишга интилиши ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Президентимиз йиғилишда "Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади", деган пурмаъно гапни айтганида, рости, жуда таъсирландим. Чиндан ҳам, юртимиз келажаги, эртаси, бу — ёшлар. Уларнинг қандай инсонлар бўлиб камол топиши эса, ҳеч шубҳасиз, мактабдаги таълим сифати, ўқитувчиларнинг билими ва малакаси, ўқувчиларга пухта билим беришига боғлиқ.

Гулистон туманидаги 2-мактабда салкам 40 йилдан буён дарс бериб келаман. Президентимиз камтарона меҳнатимни "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан мукофотлагани, албатта, зиммамга катта масъулият юклайди. Бу юксак мукофот ёшлар таълим-тарбияси йўлида янада кўпроқ изланишга, ишлашга, Юртбошимизнинг ишончини оқлашга ундайди.

**Сарвар ОТАЖОНОВ, Урганч шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали соҳиби:**

— Президентимизнинг Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи мамлакатимизнинг кўп минг сонли педагоглари қатори менга ҳам кўтаринки руҳ, касбимга нисбатан янги иштиёқ бағишлади. Айниқса, ўқувчи ёшлар тарбиясида синф раҳбарининг ўрни алоҳида эътироф этилиб, унинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида 2020 йил 1 октябрдан бошлаб ушбу вазифа учун қўшимча тўлов миқдорининг бир ярим баробар оширилиши кутилмаган совға бўлди, десам, адашмайман. Эндиликда ўзим синф раҳбари бўлган 11-синф ўқувчиларининг ҳар бири олийгоҳга кириши ёки мактаб давридаёқ бирор-бир касб-ҳунарга эга бўлиши, умуман, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш бўйича мактаб раҳбарияти билан бирга жамоатчиликка ҳисобот берамиз.

Давлатимиз раҳбарининг ўқитувчи ўз устида ишлаши, билим ва маҳоратини оширишида матбуот нашрларининг аҳамияти тўғрисидаги фикрларидан ғоят мутаассир бўлдим. Нафақат ўқитувчилар, балки ўқувчиларнинг ҳам билим тафаккури бойиши, дунёқараши кенгайишида газета ҳамда журналларнинг ўрни беқиёс. Демоқчиманки, фақат қишлоқ жойларидагина эмас, балки шаҳарларда ҳам мактаб кутубхоналарини даврий матбуот нашрлари билан таъминлашга маблағ ажратилса, айни муддао бўларди. Босма матбуот нашрлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хусусан, мактаб ва олийгоҳларни педагогик фаолият учун зарур нашрлар билан таъминлаш борасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқиладиган чора-тадбирларда бу жиҳатлар, албатта, инобатга олинади, деб ўйлайман.

Бу йил Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан биринчи марта 14 нафар синф раҳбари давлатимизнинг орден ҳамда медаллари билан тақдирланди. Ушбу устозлар қаторида мен ҳам "Шуҳрат" медали билан мукофотландим. Камтарона меҳнатимга берилган бундай юксак эътибор, билдирилган ишонч зиммамга янада масъулият юклаб, янги Ўзбекистонни барпо этишда бор куч-ғайратимни аямай хизмат қилишга ундайди.

**Гулжаҳон ТОШПЎЛАТОВА, Самарқанд туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали соҳиби:**

— Ўқитувчи — жамият гултожи, ҳаёт сарбони, келажакка пойдевор қўювчи меъмор. Кейинги учтўрт йил ичида халқ таълими тизимига, ўқитувчиларнинг жамиятдаги обрў-эътиборини оширишга, мавқеини янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу, албатта, бизга куч-қувват бағишламоқда.

Мен анча йиллардан буён мактабда биология фанидан дарс бераман. Барча фанлар қатори биология, кимё фанларига қаратилаётган эътибор, фан ўқитувчиларининг дарс соатлари кўпайтирилиши, бир томондан ёқимли бўлса, иккинчи томондан масъулият ҳам юкламоқда. Сабаби биология фанини чуқур ўрганмасдан туриб, ҳаётнинг асл моҳиятини англаш жуда қийин. Ўқувчи ёшлар ҳам ана шуларни мукаммал ўрганиши учун биология кабинетлари барча жиҳозлар билан таъминланмоқда. Турли кўрик-танловлар ўтказиляпти.

Ўзим ҳақимда айтсак, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", "Йилнинг энг яхши фан кабинети мудираси" каби танловларда фаол қатнашиб, ўтган йили мамлакат босқичида биринчи ўринни эгалладим.

Президентимизнинг бизга йўллаган байрам табриги ва нутқини катта ҳаяжон билан тингладим. Юртбошимиз учинчи Ренессанс даври бошланаётганлигини алоҳида айтиб ўтди. Бу даврнинг яратилиши, албатта, билимли, иқтидорли, интеллектуал салоҳиятли ёшлар билан амалга ошади. Шу боис бу, биз педагогларга ҳам катта масъулият юклайди. Буни ҳар бир ўқитувчи юракдан ҳис этиши керак.

Байрам арафасида давлатимиз раҳбарининг Фармонига асосан "Шуҳрат" медали билан мукофотландим. Бу қалбимдаги ифтихор ва масъулият туйғуларини янада орттирди.

Асосийси, ўқитувчининг меҳнати шогирдлари билими, уларнинг келгусида баркамол инсон бўлиб улғайиши билан ўлчанади. Шундай экан, бундан кейин ҳам соғлом тафаккурли ўқувчи ёшларни тарбиялашга, уларга теран билим беришга, халқаро фан олимпиадаларида нафақат қатнашиш, балки юқори натижаларга эришишига ўз ҳиссамни қўшаман.

**«Халқ сўзи».**

# «БАЁНИ ҲАҚИҚАТ»

1

Туркистон жадидчилигининг негизи, асоси Самарқанд муҳитига, хусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудий очган "усули жадид" мактабларига бориб тақалади. Фикрни янгилаш — таълимдаги ислоҳотларни янгилашдан бошланади. Фикрни уйғотиш мудроқ юракларга маърифат оловини ёқиш билан бўлади. Беҳбудий ўз ҳисобидан болаларни ўқитди, кутубхоналар очди. "Самарқанд" газетасини, сўнгра "Ойина" журналини ташкил этиб, миллат ҳолидан бонг урди. Ғафлат уйқусида ётган Туркистон аҳлини илм-маърифатга, маданиятга, ҳаққониятга, дунё тамаддуни билан бўйлашмоққа чорлади. Ўз даврининг ёшларига мурожаатида ёзди: "Барчамизга офтоб каби равшан ва аёндурки: мактаблар тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дурдонасидур".

Беҳбудий замонга мос ривожланиш асосида ислоҳ этилган, янги усулдаги мактабларни йўлга қўйди, мактабларда замонавий илм оладиган ёшларнинг келгусидаги куч ва қувватига ишонди.

Асл саодат учун ҳам мактабларда олинадиган билим муҳим. Шу боис у "Илм фойдаси ҳақинда" қатор маърифий мақолалар чоп эттирди. Дардли, аламли бир мақоласига "Бизни кемиргувчи иллатлар" деб сарлавҳа қўйиб, тўй ҳамда азалар учун сарфланадиган ортиқча ақчадан сўзлади, уларни "илм ва дин йўлига сарф этсак, деярлик оврупойилардек тараққий этармиз", деб додлаб, оҳу-ҳасратини ёзди. Замондошларини гуноҳ ҳамда савобдан, исрофнинг зараридан огоҳ этди. Бу гаплар ҳозир ҳам муҳим... Беҳбудий бу йўлда нафақат ўз вақтли матбуоти саҳифаларида, балки узоқ-яқин хориж матбуотида юрагини ўртаган шу каби турли маиший дардларини баён қилди.

Президентимиз нутқида миллатпарвар, илмпарвар адибнинг "Икки эмас, тўрт тил лозим" мақоласи тилга олинди. Дарҳақиқат, Беҳбудий ўз тилини мукаммал билган ҳолда ўзга тилларни билишга тарғиб ва ташвиқ қилди. Ўша мақоласида "туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозим"лигига урғу берди. Миллатнинг абгор ҳолидан куйиниб сўйлади. Лоқайдлик, бепарволикни душман санади, замона аҳлини тараққиётга, илм-маърифатга чақирди. "Мусулмон бўлиб туриб, тараққий қилайлик. Бу замон тижорат иши, саноат ва мамлакат ишлари, ҳатто дини ислом ва миллатга хизмат илмсиз бўлмайдур", деб ёзди у. Жоҳиллар бошқа тилларни ўрганишдан қайтарган ҳолларга шариат нуқтаи назаридан асосли жавоб берар экан, шундай бир фикрга урғу берди: "Ғайридиннинг илм ва хатини ўрганмоқ шариатча дурустдур". Фикрини қувватлаш учун тарихдан мисоллар, ҳадиси шарифдан кўчирмалар келтирди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг теграсига жамланган жадидларнинг орзулари шўро даврида сароб бўлди. Ўзига ўнлаб маслакдош ҳамда издошлар топган Маҳмудхўжа Беҳбудий бу оламни юраги армонларга тўла равишда тарк этди. Аммо унинг умид юлдузи сўнмади. Унинг ғоялари шогирдларининг фаолиятида давом этди...

Васлий Самарқандий ўз вақтида жадид алломалари карвонбошисига шундай баҳо берди: "Маҳмудхўжа Беҳбудий бир қаҳрамон эди". Бугун у "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланди. Маърифат фидойиси, аллома адиб Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг қаҳрамонона хизматлари муносиб баҳосини олди. Беҳбудийнинг ўз таъбирига мос "баёни ҳақиқат" шуки, орадан бир аср ўтиб, гарчанд кеч бўлса ҳам, ҳақиқат тантана қилди. Шунга шукр!

**Баҳодир КАРИМ, филология фанлари доктори, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори.**

# ИЛМДАН БОШҚА НАЖОТ ЙЎҚ

*Азалдан халқимиз муаллимларга алоҳида эъзоз ва эҳтиром билан муносабатда бўлиб келган. Зеро, устозлар ҳар қанча таҳсинга, ҳар қанча иззат-икромга лойиқ.*

*Юртимизда кейинги тўрт йилда ўқитувчи-мураббийлар меҳнатига алоҳида эътибор қаратиляпти, уларнинг таълим-тарбия билан шуғулланишлари, ижодий ва илмий изланишлари учун барча шарт-шароит яратилаётир.*

### Муносабат

Жумладан, ҳудудларда уларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш ишлари барҳам топди, ўз фаолиятига доир бўлмаган ишлар билан шуғулланиш тўхтатилди, ойлик иш ҳақлари миқдори сезиларли равишда ортди. Ортиқча қоғозбозлик ва текшир-текширларга чек қўйилди. Бу фақат устозларимиз фаолияти билан боғлиқ ислоҳотларнинг бир қисми холос. Таълим тизимида рўй бераётган ўзгаришларни эса халқимиз ўз кўзи билан кўриб турибди.

Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрамига айланганининг ўзиёқ мамлакатимизда таълимга берилаётган эътиборнинг нишонасидир. Пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида шу санага бағишланган байрам тадбирида Президентимиз ўқитувчи ҳамда зиёлиларга мурожаат билан чиқди.

Маълумки, пандемия билан боғлиқ мураккаб шароитда ҳам фидойи муаллимлар ўз фаолиятларини давом эттирмоқда. Бу ҳам ўзига хос фронт. Зеро, шифокорлар тана саломатлиги учун кураш олиб борса, устоз-ўқитувчилар маънавий-руҳий соғломлик, ақл-тафаккур тантанаси учун кураш олиб боради.

Давлатимиз раҳбари ўз мурожаатида юртимиз тарихида IX — XII ва XV асрларда фавқулодда улкан кўлам ҳамда маҳобат билан тарих саҳнасига чиққан, инсоният учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилган биринчи ва иккинчи Уйғониш даврларини эслаб ўтди.

Алоҳида Фармонга кўра, Ўқитувчи ва мураббийлар байрами муносабати билан халқимизнинг озодлиги ҳамда фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатиб, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишга беқиёс ҳисса қўшган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳамда Мунаввар қори Абдурашидхонов "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирлангани ҳам бугунги жамиятимизнинг жадид боболаримизга юксак эҳтиромининг, миннатдорлигининг бир кўринишидир.

Эътироф этайлик, бундай буюк булоқлардан сув ичган, илдизи замонлар қаъридаги маънавий-илмий, руҳоний юксакликларга етиб борган халқ яна ривож топади, юксалади. Президентимиз бугун Ўзбекистонда улуғвор мақсад — янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад қилиб белгиланганини қайд этиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ҳамда илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бундай улуғвор мақсад-режалар, оламшумул юксалишлар ўқитувчи-мураббийларнинг фидокорона меҳнати билангина амалга ошади.

Шундай экан, биз бу касб соҳибларини ҳар қанча эъзозласак, ҳар қанча бошимизга кўтарсак арзийди. Бу борада электоратининг каттагина қисмини айнан ўқитувчи-мураббийлар ташкил этадиган "Адолат" СДП олдида, айниқса, масъулиятли вазифалар турибди.

Жумладан, партия сайловолди дастурида илгари сурилган "Ўқитувчи мақоми тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни тезлаштириш ва қонуннинг ҳақиқий эгалари бўлган устозларимизни муҳокамага чорлаб, уларнинг таклифлари асосида такомиллаштиришимиз лозим.

Ўқитувчилар фаолиятига ҳар қандай аралашувга йўл қўймасликка кўмак бериш мақсадида жойлардаги бошланғич партия ташкилотларимиз билан маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамкорлигини янада оширишимиз ҳам даркор. Зеро, миллат келажаги бунёдкори бўлган зотлар замонавий шароитда, муносиб тарзда фаолият юритишини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиз ҳисобланади.

**Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси.**

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти ижодий жамоаси таҳририят собиқ ходими Омонулла Файзиевга отаси

**Лутфулла ФАЙЗИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# «НОЛЬ»ДАН ҲАМ ТАДБИРКОР, ҲАМ ХАЛҚ ФОЙДА КЎРАДИ

*Берилган имкониятдан тадбирли фойдаланган борки, албатта, фаровонликка эришади. Шу маънода, мамлакатимизда бўш турган бино ва иншоотларни инвестиция киритиш мажбурияти билан қулай шартларда тадбиркорларга берилиши уларни янги марраларга ундамоқда.*

## Медиатур

Эътиборлиси, ушбу имконият фақат тадбиркор ҳамда унинг оиласинигина эмас, юзлаб, минглаб кишиларни бой қилишга, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг ошишига хизмат қилади. Таъбир жоиз бўлса, “ноль” қийматдаги бино ҳам тадбиркорга, ҳам аҳолига фойда келтиради.

Хусусан, бу Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг Сирдарё вилояти бошқармаси томонидан ўтказилган медиатур асносида ҳам ўз аксини топди.

Масалан, “Зиннур” бундан бир неча йил бурун ижарада турган кичик бир тадбиркорлик субъекти эди. Энди эса у бир эмас, бир неча ишлаб чиқариш линияларига эга йирик бирлашма. Бундай ривожга, аввало, тадбирли иш юритиш бош омил бўлди. Корхонанинг ҳар жиҳатдан истиқболли, кенг-мўл ўз ишлаб чиқариш майдонига эга бўлганлиги эса пухта ўйланган бизнес-режанинг кутилганидан ҳам аъло даражада амалга ошишини таъминлади. Хусусан, Гулистон шаҳридаги 2,3 гектар сатҳли бўш бино 14,5 миллиард сўм инвестиция киритиш шарти билан тендерда ютиб олинганида “Зиннур” жамоаси атиги 20 нафар ходимдан иборат эди. Шартда 160 та иш ўрни яратиш белгиланганди. Бирлашма иккала вазифани ҳам ортиғи билан бажарди. Яъни бугунги кунда ишчи-ходимлар сони 185 нафарга етиб, киритилган инвестиция 37 миллиард сўмни ташкил қилмоқда.

— Ҳозир пойабзал-крассовка, кийим-кечак, лок-бўёқ сингари кўп тармоқли ишлаб чиқаришга эгамиз, — дейди бирлашма раҳбари Носиржон Эгамбердиев. — Маҳсулотларимизга талаб юқори. Бу қулай ишлаб чиқариш майдонига эгалик ҳамда технологик янгиланишларга алоҳида эътибор қаратиш самараси, албатта. Масалан, 1,5 миллион АҚШ долларига янги пойабзал тайёрлаш ускуналари олганимиз туфайли бир қанча кўрсаткичларимиз яхшиланди.

Тадбиркор аёл Гулчеҳра Жонжигитова раҳбарлигидаги “Нозигул-Сардор-Оқолтин” масъулияти чекланган жамияти ҳам “ноль” қийматда олинган бино-иншоотлар учун белгиланган инвестиция мажбуриятларини бажаришда намуна кўрсатаётган субъектлардан бири. Жамиятнинг Янгиер, Гулистон шаҳарларида бир неча хусусий клиникалари фаолият кўрсатмоқда. Тез орада ушбу тармоққа Боёвут туманидаги бекор турган бинода иш бошлайдиган янги тиббиёт муассасаси ҳам қўшилади.

Медиатурда тадбиркорларга топширилган яна бир неча объектларда амалга оширилган ишлар билан ҳам танишилди. Шу билан бирга, инвестиция мажбуриятлари бажарилишининг кечикиши, бўш турган биноларнинг сотилмай туриши, пандемия шароитида инвесторлар фаолиятида юзага келаётган молия-кредит масалаларидаги муаммолар ҳам ўрганилди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОНЛАР


# УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**2021 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади:**
*(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)*

| Ихтисослик шифри ва номи | 2021 йил учун ажратилган квоталар сони | |
|---|---|---|
| | Таянч докторантура (PhD) | Докторантура (DSc) |
| 01.01.02 — Дифференциал тенгламалар ва математик физика; | 2 | |
| 01.02.05 — Суюқлик ва газ механикаси; | 1 | |
| 01.04.04 — Физик электроника; | 1 | |
| 01.04.10 — Яримўтказгичлар физикаси; | 1 | |
| 01.04.11 — Лазер физикаси; | 1 | |
| 02.00.01 — Ноорганик кимё; | 1 | |
| 02.00.17 — Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари; | 1 | |
| 05.01.07 — Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи; | 2 | |
| 06.01.08 — Ўсимликшунослик; | 2 | |
| 07.00.01 — Ўзбекистон тарихи; | 2 | 1 |
| 08.00.04 — Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти; | 1 | |
| 08.00.05 — Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти; | 1 | |
| 08.00.06 — Эконометрика ва статистика; | 1 | |
| 08.00.12 — Минтақавий иқтисодиёт; | 1 | |
| 08.00.15 — Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти; | 1 | |
| 09.00.04 — Ижтимоий фалсафа; | 1 | |
| 10.00.01 — Ўзбек тили; | 2 | |
| 10.00.02 — Ўзбек адабиёти; | 2 | |
| 10.00.06 — Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик; | 3 | |
| 11.00.02 — Иқтисодий ва ижтимоий география; | 1 | |
| 11.00.06 — Геодезия. Картография; | 1 | 1 |
| 13.00.01 — Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи; | 1 | |
| 13.00.02 — Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича); | 3 | |
| 19.00.06 — Ёш ва педагогик психология. Ривожланиш психологияси. | 1 | |

**Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисидаги низомнинг 3-боб 16-хатбошисига кўра таянч докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:**

— магистр даражасига ёхуд клиник ординатурани тугатган (тиббиёт фанлари учун), олий маълумот тўғрисидаги дипломга (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлганлар;

— фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида битта илмий мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар;

— фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка икки йилдан кам бўлмаган илмий педагогик стажга ёки аниқ илмий ютуққа (ихтиро патент ёки муаллифлик гувоҳномасига) эга бўлган шахслар расмийлаштирилади.

***Фалсафа доктори (PhD) ҳамда фан доктори илмий даражаси учун таянч докторантура ва докторантурада ўқиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар:***
(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

— ариза;
— илмий раҳбар ёки маслаҳатчининг розилик хати;
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
— тасдиқланган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
— Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этади.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонлари топширади.

***Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка талаб қилинадиган ҳужжатлар:***
(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

— ариза;
— илмий раҳбар ёки маслаҳатчининг розилик хати;
— қисқача биографик маълумотнома (объективка);
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
— тасдиқланган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
— иш жойидан тавсифнома.

Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш 2020 йилнинг 30 ноябригача бўлган муддатда ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли хулосасига кўра амалга оширилади.

***Ҳужжатлар 2020 йилнинг 15 октябригача қабул қилинади.***
***Кириш имтиҳонлари жорий йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.***

**Манзил: Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй.**
**Маълумот учун телефон: 97-513-76-23.**

# Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

**қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2021 йил учун таянч докторантура ва докторантурага ҳамда мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади:**

**ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА**
**(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)**

01.00.00 — Физика-математика фанлари;
01.02.04 — Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси
*таянч докторантура — 1 ўрин, техника фанлари бўйича.*
05.00.00 — Техника фанлари:
05.01.06 — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари
*таянч докторантура — 1 ўрин;*
05.05.07 — Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналари
*таянч докторантура — 2 ўрин;*
05.07.01 — Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш
*таянч докторантура — 4 ўрин;*
05.09.06 — Гидротехника ва мелиорация қурилиши
*таянч докторантура — 3 ўрин;*
*докторантура — 1 ўрин;*
05.09.07 — Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси
*таянч докторантура — 3 ўрин;*
05.01.08 — Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш
*таянч докторантура — 2 ўрин.*
06.00.00 — Қишлоқ хўжалик фанлари:
06.01.02 — Мелиорация ва суғорма деҳқончилик
*таянч докторантура — 2 ўрин, техника фанлари бўйича;*
*докторантура — 1 ўрин, техника фанлари бўйича;*
06.01.10 — Ер тузилиши, кадастр ва ер мониторинги
*таянч докторантура — 2 ўрин, техника фанлари бўйича.*
07.00.00 — Тарих фанлари:
07.00.01 — Ўзбекистон тарихи
*таянч докторантура — 1 ўрин.*
08.00.00 — Иқтисодиёт фанлари:
08.00.04 — Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти
*таянч докторантура — 4 ўрин.*
09.00.00 — Фалсафа фанлари:
09.00.04 — Ижтимоий фалсафа
*таянч докторантура — 2 ўрин.*
11.00.00 — География фанлари:
11.00.05 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш
*таянч докторантура — 1 ўрин, техника фанлари бўйича;*
*докторантура — 1 ўрин, техника фанлари бўйича.*
11.00.07 — Геоинформатика:
*таянч докторантура — 3 ўрин, техника фанлари.*
13.00.00 — Педагогика фанлари:
13.00.05 — Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси
*таянч докторантура — 1 ўрин.*

***Талаб қилинадиган ҳужжатлар:***

**Таянч докторантурага:**
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, олий-маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлган ишлар тақдим этилади).

**Докторантурага:**
— ариза;
— қисқача биографик маълумотнома;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
— олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
— тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
— нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришган, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақола ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида чоп этилган камида иккита тезисга эга бўлган ишлар тақдим этилади).

**МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИККА**
***(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)***

01.00.00 — Физика-математика:
01.02.04 — Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси (техника фанлари).
05.00.00 — Техника фанлари:
05.01.06 — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари;
05.05.07 — Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналари;
05.07.01 — Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш;
05.09.06 — Гидротехника ва мелиорация қурилиши;
05.09.07 — Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси;
05.01.08 — Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш.
06.00.00 — Қишлоқ хўжалик:
06.01.02 — Мелиорация ва суғорма деҳқончилик (техника фанлари);
06.01.10 — Ер тузилиши, кадастр ва ер мониторинги (техника фанлари).
07.00.00 — Тарих фанлари:
07.00.01 — Ўзбекистон тарихи.
08.00.00 — Иқтисодиёт фанлари:
08.00.04 — Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти.
09.00.00 — Фалсафа фанлари:
09.00.04 — Ижтимоий фалсафа.
11.00.00 — География:
11.00.05 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш — техника фанлари;
11.00.07 — Геоинформатика — техника фанлари.
13.00.00 — Педагогика фанлари:
13.00.05 — Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси.

***Талаб қилинадиган ҳужжатлар:***
— қисқача биографик маълумотнома;
— фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
— меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
— илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси;
— фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;
— иш жойидан тавсифнома.

*Ҳужжатлар 2020 йилнинг 15 октябрига қадар қабул қилинади.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй,**
**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти.**
**Маълумот учун телефонлар: 71-237-09-46, 71-237-19-61.**



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 30 702 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.00 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6